

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ
АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МОНИТОРИНГИДА
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУССИЯТЛАРИ**

Тлеумуратов М.Г.

Қарақалпақстан Республикасы Маденият министрлиги

Аннотация: Мақолада Агросаноат кластерлари ва кооперациялари уюшмасини ташкил этиш ҳамда инвестиция дастурларида белгиланган қишлоқ хўжалиги тармоғидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилишда автоматлаштирилган ахборот тизимини ушбу ташкилотга жорий этиш таклифлари берилган.

Калит сўзлар: инвестиция лойиҳалари, мониторинг, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ), агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги, автоматлаштирилган ахборот тизими, ижро этувчи агентлик, ташаббускор.

Аннотация: В статье предлагается создание Ассоциации агропромышленных кластеров и кооперативов и внедрение в этой организации автоматизированной информационной системы для контроля и мониторинга реализации инвестиционных проектов в аграрном секторе, определенных в инвестиционных программах.

Ключевые слова: инвестиционные проекты, мониторинг, группа реализации проектов (ГРП), агропромышленный комплекс, сельское хозяйство, автоматизированная информационная система, исполнительный орган, инициатор.

Annotation: The article proposes the creation of the Association of Agro-Industrial Clusters and Cooperatives and the introduction of an automated information system in this organization to control and monitor the implementation of investment projects in the agricultural sector, defined in investment programs.

Keywords: investment projects, monitoring, project implementation group (PIU), agribusiness, agriculture, automated information system, executive body, initiator.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлаштириш, бу бўйича фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш юзасидан стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда самарали ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни инобатга олган ҳолда саъй-ҳаракатларни жамлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, бунинг асосида аҳоли бандлигини, уларнинг турмуш даражаси ва сифати оширилишини таъминлаш мақсадида Инвестиция дастури ишлаб чиқилмоқда ва Президенти қарорлари билан тасдиқланмоқда.

Мазкур дастур доирасида ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий, тармоқлараро инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастурлари ҳам тасдиқланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазирлик, агентликлар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг инвестиция лойиҳаларининг улуши тасдиқланган манзилли дастурларда катта аҳамиятга эга, албатта.

Ушбу соҳада тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг тўлиқлигича сифатли ва муддатида амалга оширилишида уларнинг тўғри шакллантирилганлиги, шунингдек, амалга оширилиши мониторинги давомида маълумотларнинг ҳаққоний тақдим этилиб борилганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бунда, Лойиҳа ташаббускорлари, яъни вазирлик, маҳаллий ҳокимият ва бошқа ташкилотлар ушбу тадбирларда ўз вазифаларини қанчалик оптимал бажармасин, лойиҳаларнинг амалга оширилиши муддатидан кечикиш ҳолатлари, ҳаттоки нима учун айрим лойиҳалар “истикболсиз” мақомини олмоқда?-деган саволлар долзарблигича қолмоқда.

Шу боис аграр соҳанинг барқарор ривожланишига эришишида хўжаликларнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да [1] ва Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида [2] инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодий тармоқлараро инвестициялар йўналишини ва тақсимланишини тўғри белгилаш каби бажарилиши лозим бўлган функциялар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинмоқда.

Хусусан, Президент фармонига асос 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида унинг асосий кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади ҳамда ушбу фармоннинг 2-бандида 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш схемаси 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган.

Шунингдек, мазкур фармоннинг 4-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда - Ахборот тизими) ишлаб чиқилганлиги, ушбу тизим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилинган барча иштирокчиларни улаган ҳолда Лойиҳа

бошқаруви ягона миллий ахборот тизимининг бир қисми ҳисобланиши белгиланган [3].

Ушбу фармон ижросни таъминлаш, шунингдек инвестиция лойиҳалар доирасида барча босқичлардаги ишларни назорат ва мониторинг қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш Регламенти [4] тасдиқланди.

Мазкур ахборот тизимини лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилинган барча иштирокчиларига улаган ҳолда жорий этиш орқали лойиҳаларни ҳисобга олиш, уларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш жараёнларини автоматлаштириш, лойиҳаларнинг муддатлари, бюджети, мақсадлари ва кўрсаткичлари устидан назоратни амалга ошириш, инвестицияларнинг жалб этилган ва ўзлаштирилган ҳажмлари бўйича ишончли маълумотларни шакллантириш каби бир қатор имкониятлар яратиш билан бирга бошқа ваколатли давлат бошқарув органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашувини таъминлайди.

Юқорида, мақоланинг кириш қисмида қайд этилиб ўтилганидек қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Тасдиқланган инвестиция дастурларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳалари улушини таққослаш методи орқали қўйида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурида [5] белгиланган манзилли дастурларнинг айримларини соҳалар кесимида кўриб чиқамиз.

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида хорижий кредитлар билан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

млн.долл.

№	Секретариат (Комплекс)	Хорижий кредитлар суммаси
1	Ёқилғи-энергетика ва асосий тармоқларни ривожлантириш бўйича	6 147.5
2	Минтақалар, алоқа ва мудофаа саноатини комплекс ривожлантириш бўйича	2 966.5
3	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича	2 886.5

1-жадвал

2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлари билан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

млн.долл.

№	Секретариат (Комплекс)	Хорижий инвестиция суммаси
1	Ёқилғи-энергетика ва асосий тармоқларни ривожлантириш бўйича	26 473.1

2	Минтақалар, алоқа ва муҳофизат саноатини комплекс ривожлантириш бўйича	6 197.9
3	Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича	1 639.1

2-жадвал

Шу каби, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўриб чиқайлик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида “2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш Дастури доирасидаги лойиҳаларнинг шаҳар ва туманлар кесимида йиғма жадвали” тасдиқланди. Унга асос жами 14 трлн. 853,9 млрд. сўмлик 697 та лойиҳа тасдиқланди. Шундан, саноатда 12 трлн. 816,8 млрд. сўмлик 310 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 1 трлн. 828,9 млрд. сўмлик 271 та ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 608,1 млрд. сўмлик 116 та инвестиция лойиҳалари улушига тўғри келади [6].

Ёки, Қорақалпоғистон Республикасида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Худудий инвестиция дастурида саноатда 3 трлн. 639,0 млрд. сўмлик 282 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 1 трлн. 621,5 млрд. сўмлик 336 та ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 814,3 млрд. сўмлик 160 та инвестиция лойиҳалари улушига тўғри келади [7].

Бундан кўриниб турибдики қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳалари қиймат жиҳатдан ҳам, сон жиҳатдан ҳам саноат, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳаларидан кўрсаткичлари паст бўлиб қолмоқда.

Бунда, саноат соҳасида йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзчармсаноат” каби уюшмаларнинг йирик лойиҳалари ўрни ҳам каттадир. Чунки, биргина “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси 154 та корхонани бириктирган ҳамда ушбу уюшмаларнинг таркибий тузилмаларида Инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш офислари (Лойиҳа офислари) мавжуд.

Ёки, саноатнинг бошқа йўналишларида, Автомобиль йўллари қўмитасининг «Автоўлинвест» агентлиги, “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг “Нефтегазинвест” инвестицион компанияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари билан тузилган иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бир қатор агентлик ва уюшмалари бор, албатта.

Хусусан, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги [8], Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги [9], “Ўзбекбалиқсаноати” уюшмаси ва “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компаниялари мисол бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш, бошқарув сиёсатида жуда катта ижобий ўзгаришлар натижаси улароқ Президентимиз томонидан тўғри танланганлиги айқин исботини топмоқда.

Агросаноатда пахта-тўқимачилик, бошоқли дон етиштиришда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, замонавий уруғчилик кластерлари фаолиятни ташкил этиш, шунингдек ушбу соҳаларда кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар

ижроси доирасида республикамизда қатор кластер ташкилотлари ва кооперациялари ташкил этилмоқда.

Ушбу йирик ишлаб чиқариш кластерлари ва кооперацияларининг турли йўналишида - экспорт салоҳиятини оширишда, айрим хом-ашё товарларига, уруғ ва кўчатлари импорти талабларига давлат томонидан енгилликлар берилишида, халқаро шартномалар тузишда ва бошқа масалаларда эксперт ва ҳуқуқий консультант ходимлар билан таъминланишида ҳамда энг муҳимларидан бири инвестицион лойиҳаларини амалга оширувида мавжуд муаммоларини ўрганиш орқали ҳар бир кластер ташкилот ва уларга бириктирилган фермер хўжаликларга кириб боровчи Уюшма ташкил этилиши мақсадга мувофиқ буларди.

Уюшма таркибида соҳада инвестиция лойиҳаларининг шаклланишида ҳар бир ҳудуднинг, кластер ташкилотининг ва фермер хўжаликларининг инвестицион салоҳиятига ҳаққоний баҳо бериш, мавжуд муаммоларини жойида ва муддатида бартараф этиш чораларини кўриш, уларнинг биринчи бўлиб манфаатини кўзловчи меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этилишида бевосита масъул бўлиш, аъзо ташкилотларнинг инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилишида бевосита масъул бўлиш, шунингдек, юқорида айтилиб ўтилган «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимида ҳаққоний ахборотларни киритишни ва назоратчи органга тақдим этишни ўзига асосий вазифалардан қилиб олган Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) ёки Лойиҳа офиси бўлиши лозим бўлади.

Уйлаймизки, ушбу янги ёндошувлар амалга оширилиши билан соҳада янги инвестиция лойиҳалари оқимлари пайдо бўлишига имкон яратиларди. Бу эса, ўз навбатида ватанимиз тараққиётида, ижтимоий-иқтисодий юксалишида алоҳида ўз ҳиссасини қўшади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон// Халқсўзи, 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида. 2019 йил 25 декабрь. ЎРҚ-598-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимида ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2019 йил 14 май. ПФ-5717-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 2019 йил 22 июль. 616-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасининг 2020 - 2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 9 январь. ПК-4563-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида тасдиқланган “2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш Дастури доирасидаги лойиҳаларнинг шаҳар ва туманлар кесимида йиғма жадвали”. Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокидаги 35-сон Мажлис баёни.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қарори. Қорақалпоғистон Республикасида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ҳудудий инвестиция дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 21 февраль. 45-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2018 йил 21 ноябрь. 940-сон.

9. <https://lex.uz/>.

10. <https://agro.uz/>.